*• Партия группаси — бригада етакчиси*

# ОДАМЛАРНИ УЮШТИРИБ

Бирор маслаҳатли гап чиқиб қолгудек бўлса бригада коммунистлари дарров Қизил бурчакка тўпланишади. Бундай йиғилишлар одатда сменадан сўнг ўтказилади. Расмий докладчи тайинланмайди, президиум аъзолари ҳам сайланмайди. Группа ташкилотчиси Эльза Ли коммунистлар эътиборини муҳокама қилиш зарур бўлган масалага қаратади-да, бирма-бир улардан фикр сўрайди. Шу тариқа бир қарорга келинади.

Бу усул бригадада демократияни кенгайтираяпти, қарорлар қабул қилишда коллегиаллик принципини таъминлаяпти. Туғилаётган муаммоларни биргалашиб ҳал этиш имкони яратиляпти. Йил бошида бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида участкадаги кўргазмали агитация воситаларини янгилаш, ошкораликни ошириш масаласи муҳокама қилинган эди. Шу йиғилишда ҳар бир коммунист ўз зиммасига аниқ топшириқлар олди. Кўпчиликнинг кучи билан қизил бурчакда бригада стенди яратилди. Сўнг маъмурият билан бригада шартномаси алоҳида тахталарга ёзиб қўйилди. Социалистик мажбуриятнинг бажарилишини кўрсатиб борувчи махсус бўлим ташкил қилинди. Мажбурият шартлари қандай бажарилаётганлиги ой сайин ишчиларга маълум қилиб туриладиган бўлди. Ҳар ярим ойда наряд ёпилиши билан ишчиларнинг меҳнатда иштирок этиш коэффициенти чиқариб туриладиган бўлди. Шу тариқа ошкоралик таъминланиб коллектив ҳаёти очиқ-ойдин барчага маълум қилиб борилаверди. Энди маълумотларга кўз югуртириб ким қандай ишлаётганини билиб олиш қийин эмас.

Заводимизнинг резинотехника, металл-керамика ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш участкасида меҳнат қилаётган 25 ишчининг 7 нафари коммунистдир. Улар ҳиссаси билан ўтган ойларда маҳсулот ишлаб чиқариш плани анча ортиғи билан адо этилди. Ишчилардан тушган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 2 минг сўмлик самара олинди, қўл меҳнати кўп сарф қилинадиган жараёнлар механизациялаштирилиб маош фонди анча тежалди.

Ишлаб чиқаришга партиявий таъсир кучайиб бораётганлиги учун ҳам ҳар бир киши масъулиятни чуқурроқ ҳис этяпти. Илгари бундай эмас эди. Группага тажрибали коммунист Эльза Ли раҳбарлик қила бошлагандан бери талабчанлик ошди, интизом мустаҳкамланди. Шу боисдан ҳам бу йил бригада коллективи тўрт марта мусобақа ғолиби бўлди.

Коммунистлар иш сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса, комсомол-ёшлар активлигини ошириш устида алоҳида қайғурмоқдалар. М. Қодирова, З. Ҳайбуллаев каби тажрибали коммунистлар ёшларга катта оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар, уларни муомалага, одамлар билан ишлашга ўргатмоқдалар. Бир пайтлар ёш ишчи Г. Григорьева характерида ёқимсиз ўзгаришлар пайдо бўлиб қолди. У йиғилишларда бир-икки мақталгани учун атрофдагиларни менсимай қўйди. Шундан кейин уни коммунистлар ўртага олиб камчиликларини рўй-рост кўрсатишди. Катталарнинг гапи Галинага таъсир қилди, у яна тўғри йўлга тушди. Одамлар билан ширин муомалада бўла бошлади. С. Каширина декрет отпускасига чиқиб кетганида ёшлар Галинани бригада бошлиғи қилиб сайлашди.

Вулканизатор Евгений Кромин билан ҳам шундай бўлди. У баъзан ишга келмайдиган, сабабини суриштирсангиз курақда турмайдиган баҳоналарни рўкач қиладиган одат чиқарди. Сменадан сўнг партия группаси аъзолари Евгенийни Қизил бурчакка таклиф қилишди. Сўзга чиққан ишчилар у сменага келмаган кунларда план учун қанчалик қийналишганлигини мисоллар билан гапириб беришди. Шу муҳокама арафасида коммунистлардан бири унинг уйида ҳам бўлган эди. Евгенийнинг оила аъзолари ҳам ундан норози экан. Бор гапларнинг ҳаммаси партия группаси мажлисида тўкиб солинди. Евгений дўстларидан узр сўради.

Партия группаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ва ёшларни тарбиялашда ветеранларга таянаяпти. Илгари бригада бошлиғи бўлиб ишлаган катта мастер Л. Ф. Скрепачева, смена мастерлари З. Ҳайбуллаев ва Н. Г. Хорева каби тажрибали коммунистлар ўз меҳнатлари билан атрофдагиларга намуна бўлмоқдалар. Л. Ф. Скрепачеванинг уч фарзанди, Н. Г. Хореванинг турмуш ўртоғи ва ўғли шу ерда меҳнат қиляпти. Мураббийлар ёрдамида цех бўйича 20 йигит-қиз қўш ҳунарли бўлди.

Давлат қабули жорий этилиши билан партия группасининг ишлари ҳам кўпайиб қолди. Ўтган ойларда бригада аъзолари сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганликлари учун икки марта мукофотдан маҳрум бўлишган эди. Партия группасининг бўлиб ўтган йиғилишларидан бирида бракчилар қаттиқ танқид қилинди. Маҳсулот сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Ҳозир тажрибали ишчилар ёшларни ўз оталиқларига олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Мураббий ўзи ва шогирди ишлаб чиқарган маҳсулот сифати учун бирдай жавоб беради. Бу усул сифатни яхшилашда муҳим омил бўлаяпти.

**В. КЛЕМЕНТЬЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводининг катта инженери.**

# Коллективнинг қатъий сўзи

«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» заводида Раҳим Мусаев бошчилигидаги пайвандловчилар илғор бригадаси бу йил социалистик мажбуриятларида ёзиб қўйилганидек, техник контрол бўлимининг биронта ҳам эътирозини олмай ишламоқда. Коллектив 1986 йил ишлаб чиқариш программасини бажариб бўлди.

Бригадада 42 киши бор. Улар КХУ-4 маркали универсал ғўза культиватори узелларини пайвандлаш участкасида икки смена бўлиб ишламоқдалар. Уларнинг профессионал маҳорати, пайванд ишлари юксак аниқлик классида бажарилаётганлиги туфайли машина Давлат сифат белгисини олишга қўйилди.

— Икки сменалаб ишлаш коллективни интизомга солади, — деб ҳисоблайди Р Мусаев. — Иккала звено битта наряд асосида ишламоқда. Хуллас, ўртоқларга панд бермаслик асосий мақсаддир. Бизда социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резерви бўлиб қолди. Звенолар ўртасида шундай мусобақа кетмоқда. Ғолиблар кўчма вимпел ва пул билан мукофотланмоқда.

Мусобақа илғорларидан А. Губайдулин, В. Зенин, М. Лухтаров, Р. Рустемов энг мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга қодирдирлар. Уларнинг меҳнат календарида келаси йил май ойи давом этмоқда.

«Чирчиксельмаш»нинг пайвандлаш участкасида техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ниҳоясига етказилди. Бу ерда серунум пайванд аппаратлари ўрнатилди. Тез орада бу ерда Ватан роботсозлигининг янги маҳсулоти — аниқлик класси оширилган манипуляторлар пайдо бўлади.

**(ЎзТАГ мухбири).**

**● ТОШКЕНТ экспериментал фурнитура — пластмасса заводида ишга туширилган янги металл тугмачалар ишлаб чиқариш участкаси лойиҳадаги қувватга етди. Бу буюмлар тикув, трикотаж ва чарм-галантерея корхоналарида кенг қўлланилади. Ишчи Александр Тарабрин (суратда) ана шу ускунани яхши ўзлаштириб олган.**

Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ).



## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

**● МОСКВА**

**ПОЧТА атоқли ҳарбий бошлиқ, Совет Иттифоқи маршали Георгий Константинович Жуковга бағишланган махсус бадиий маркали конверт чиқарди. Конверт саркарда таваллудининг 90 йиллигига аталган. Унда маршалнинг портрети, у туғилган ва вафот этган йиллар ҳамда эсдалик ёзуви тасвирланган.**

**● МИНСК**

**МИНСКДАГИ Оржоникидзе номли электрон-ҳисоб машиналари заводида жорий этилган автомат лойиҳалаш системасини инженер А. Сторожилов бошқараётган иқтисодий семинар тингловчилари ишлаб чиқишган. Эндиликда конструкторлар бир хилдаги зерикарли ишдан халос бўлдилар. Электрон-ҳисоб машинаси ёрдамида бажариладиган чизмаларнинг сифати яхшиланиб иш муддати ҳам қисқарди. Партком иқтисодий таълим системаси пропагандистлари ва тингловчиларини ўқитишнинг актив методларига жалб этмоқда. Бундай усул машғулотларни бугунги кун вазифалари билан энг кўп даражада боғлаб олиб боришга, корхонанинг муваффақиятли ишлашига ёрдам бермоқда.**

**● БОКУ**

**«БАКЭЛЕКТРОБИТПРИБОР» бирлашмасида маҳсулотни давлат қабулига ўтказиш техника контроли бўлими контролерлари ролини асло пасайтирмади. Аксинча, корхонада ана шу касбнинг обрўси анча ўсди. Корхонада контролерлар ишига баҳо беришнинг анча объектив мезонига эга бўлган ҳолда уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришнинг янада такомиллаштирилган системаси қўлланила бошлади. Бундай система контролерлар иш ҳақини асосий цехлардаги ишчиларнинг ўртача маошига тенглаштириш, бу соҳага иложи борича яхши тайёргарликдан ўтган мутахассисларни жалб этиш имконини беради.**

**(ТАСС).**

# КЎТАРИЛАВЕР, “ПОДЪЁМНИК„!

ДАВЛАТ СИФАТ КОНТРОЛИ — ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТАЛАБИ

«Подъёмник»да давлат қабули хизмати учун кабинет ҳали кўнгилдагидек жиҳозланиб бўлмасдан цехлар ва бўлимларда ҳаяжонланиш бошланди. Ишда камчиликлар бор-да. Қабул қилувчиларнинг қўлига тушмасдан шуларга барҳам берилса, яхшироқ бўларди. Улар ишлаб чиқаришни карра жадвалдек билишади, ҳар бирининг шу «Подъёмник»даги иш стажи ўн йилдан ошади.

Партия комитетига, дирекцияга «ўлчайдиган асбоб йўқ», «чизмалар Гостга мувофиқ эмас», «электр моторлари тузук ишламаяпти», «кабинага ишлатиладиган металл кондицияда эмас» деган шикоятлар ёғила бошлади... Металл конструкциялар цехидан Ю. Асеев комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари йиғилиш ўтказишди ва овоз бўғилгунча баҳслашиб заводдаги энг яхши бригада шарафини оқлаймиз деган қарор чиқаришди.

Ҳа, ишга зўр берилаётганлиги сезилиб турибди. Давлат қабули январга боргандагина «тўла қувват билан» ишлай бошласада, ишлаб чиқариш ҳозироқ унинг талабларига мослаштириб қайта қурилаяпти. Сифатни ошириш — жаҳон бозорига дадил чиқиб боришнинг бирдан-бир усули эканлигини тушуниб қолишди. Бирлашма маҳсулотлари етказиб берилаётган Финляндия, Перу, Италия ва яна тўққиз мамлакат ёнига бошқа катта харидорларни ҳам қўшиш керак. Бундай савдонинг маънавий томонидан ташқари энг янги машина-ускуналарни харид этишга, коллектив социал программасини тезроқ ривожлантиришга имконият ҳам берувчи «жонли валюта» томони ҳам бор. Браксиз ишлаш — қўшимча мукофотлар, социал маданий ва маиший фондни тўлдириш, янги квартиралар, санаторийлар, дам олиш уйларига қўшимча йўлланмалардир...

Ҳозир «Подъёмник»да йигирма хил моделда илмоқли, грейфер кранлар, магнит-грейфер кранлар, штабель кранлар ишлаб чиқарилмоқда. Бир йилда уч тонналикдан ўн тонналиккача (юк кўтара оладиган), қулочи 17 метрга борадиган бир ярим мингта кран тайёрланяпти. Бир хил кран кўплаб тайёрланмайди, ҳамма моделларни конвейерга қўйиб бўлмайди. Ҳар биттасининг ўз техник талаблари, ўз стандартлари бўлиб, дарвоқе, кўплари эскириб қолган.

Завод конструкторлари ва технологлари бамайлихотир иш маромидан биринчи бўлиб ташқарига чиқдилар. Бир қанча машиналар «кексайиб қолган» бўлиб, уларни ўн йил ва ундан кўп йил давомида деярли ҳеч ўзгаришларсиз ишлаб чиқаришмоқда. Давлат қабули янги конструкторлик ечимларини талаб қилди. Мисол учун кранни жилдирадиган механизм билан шундай иш қилинди.

Асбобсозлик цехи ҳам бошқача ишлай бошлади. У иккинчи даражали цехдан етакчи цехга айланди.

«Подъёмник» давлат қабул қилувчилари кабинетида техник ҳужжатлар текшириб чиқилмоқда. Ҳамма банд. Турғун Холмуродов, Владимир Мутракшов, Владимир Герасименко ва Татьяна Мадраҳимованинг кечаги ҳамкасблари бу ерга кириб, янги хизматнинг эътирозлари билан танишмоқдалар. Биров рози бўлса, биров рози эмас. Баҳс принципиал жиҳатлар бўйича бормоқда — завод ўз манфаатларини ҳимоя қилишга уринмоқда, лекин ўртада стандарт борки, энди уни четлаб ўтиб бўлмайди. Қабул қилувчилар эса пихини ёрган кишилардир. «Подъёмник»нинг энг яхши мутахассислари мана шу ишга қўйилган. Уларга партия бюросига ўн икки йил бошчилик қилган собиқ бош энергетик Т. Холмуродов раҳбарлик қилмоқда. В. Мутракшов ишни слесарликдан бошлаб, участкага раҳбарлик қилган. Кейинги вақтда эса техник контрол бўлимининг катта мастеридир. В. Герасименко — биринчи категорияли технологдир. Т. Мадраҳимова нормалаш ва стандартлаш бюросига бошчилик қилади. Ўртада бўш жой ҳам бор — малакали конструктор зарур.

— Ишни қандай ташкил қиляпсиз?

— Ҳар биримиз муайян участкага бириктиб қўйилганмиз, — дейди Т. Холмуродов. — Мушкулот шундаки, бирлашманинг иккита территорияси бўлиб, ораси 18 километр келади. Бизнинг икки вакилимиз доимо «Б» территориясида туради, қолганлар бош заводда бўлишади. Назорат кўз билан ҳам, приборларга қараб ҳам олиб борилади. Завод техника контрол бўлими бизга кранни топширмоқчи дейлик. Шунда ҳужжатларни текшириб чиқамиз, ишлатилган материаллар, яъни пўлат маркаси буюртма шартларига тўғри келиш-келмаслигини текширамиз. Шундан кейин габаритлар ўлчаб чиқилади, пайванд чоклар ва йиғиб монтаж қилиш сифати аниқланади, электр ускуналар, комплектлилик, бўяш сифати текширилади.

— Хуллас, техника контроли бўлими ишини қилар экансизда?

— Йўқ бизнинг вазифамиз бошқача. Эндиликда планни деб ОТК ҳам бракка кўз юмишдан манфаатдор бўлмайди. Сабабларни биргалашиб қидирамиз. Сўнгги бир мисолни айтай. Одатда завод контрол хизмати магнит-грейфер крани мостига ўн бештагача эътироз билдирарди. Эндиликда бундай эътирозлар сони 35 тагача кўпайди. Илгари бракка чиқарилмаган майда-чуйда ишлар эндиликда стандартга мувофиқ бажарилмоқда.

Бу нарса ишлаб чиқаришни қайта қуришни тақозо этди, албатта. Биринчидан, яхши ўлчайдиган асбоблар керак, ҳолбуки, кўпгина бригадалар оддий чизғичлар билангина иш кўради. Иккинчидан, кўпдан-кўп комплектловчи узелларни стандартга қадар етказиш учун контрол стендлар бўлиши зарур. Буларнинг ҳаммасига маблағ керак. Лекин завод қилинган харажатларни тезда қоплаб олади. Учинчидан, ҳамма иш коллективнинг профессионал тайёрлигига боғлиқки, бу — энг муҳимидир. Коллектив эса кўп ишларга қодир.

Хўш, ОТК давлат қабул қилувчиларига қандай қараяпти?

— Ҳаётий зарур хизмат, — деб ҳисоблайди бўлим бошлиғи Николай Чекань. — Дастлабки дамларда иш қийин бўлишини биламиз, лекин январга бориб ишлар жўнашиб кетар, деб ўйлайман. Бунинг учун хизматнинг ўзини ҳам билимли мутахассислар билан мустаҳкамлаш керак, ҳозирча бу нарса жиддий проблемадир.

Ҳозирча заводнинг ўзи ҳам ҳал этишга қодир бўлмаган бир масала бор. Бу — шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб беришдир. «Подъёмник» кооперация йўли билан юзлаб корхоналардан деталлар ва узеллар олиб туради. Бу корхоналарнинг ҳаммасида ҳам давлат қабул хизмати бор деб бўлмайди... икки йил ичида заводнинг шундай корхона маҳсулотларини текшириб қабул қилувчи хизмати Тбилиси электр двигателлар заводининг 415 та моторини, юборган жамики маҳсулотининг чорак қисмини бракка чиқарди! Москва «Динамо» заводининг магнит контролёрлари, Котляков номидаги Ленинград заводининг редукторлари панд бермоқда.

Хуллас, муаммолар бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Ўзбекистонда давлат қабули хизмати жорий этилган бошқа 32 корхонага нисбатан «Подъёмник» ишларни қайта қуриши учун баъзи жиҳатдан енгил бўлса, бошқа бир жиҳатдан қийинроқдир. Енгиллиги шуки, бу ерда ҳадеб брак қилаверишга кўникишмаган, корхона ўз соҳасидаги энг яхши корхоналар орасида муқим туриб келмоқда. Техника жиҳатидан жиҳозланиши заифлиги туфайли қайта қуриш ишлари қийинроқ кўчади. Реконструкция қилиш керак-ку, лекин у ниҳоятда суст бормоқда.

Хўш, бирлашма раҳбарлиги давлат қабулидан нималарни кутяпти?

— Шу энг муҳим участкага энг яхши кишиларни юборганлигимизнинг ўзи муносабатимиз қандай эканлигини кўрсатиб турибди, — деди бош инженер В. Дьяченко. — Биз коллектив ишига холис баҳо берилишини кутяпмиз. Шундай қилиш мумкин, албатта. Ишлаб чиқаришга конкрет ёрдам берилиши ҳам муҳим. Пировард натижада умумий ишни қиляпмиз-ку.

...1 январдан бошлаб «Подъёмник»нинг бутун маҳсулотига давлат қабули баҳо беради. Бу ерда янги йилни икки хил кранни Сифат белгисини олишга қўйиш, халқ хўжалигига зарур янгилик — штабелер-кранни кўплаб ишлаб чиқара бошлаш билан кутиб олишга қарор қилишди.

«Подъёмник», кўтарилавер!

**Л. ЛЕВИН,**
**(ЎзТАГ мухбири).**

*Фан-техника янгиликлари — ишлаб чиқаришга*

# ЯНГИ МАШИНА ТУҒИЛМОҚДА

ТАЖРИБА участкасида турган ҳар иккала машинанинг бир-биридан фарқи кескин кўзга ташланади. Шу кунда ишлатилаётган Р-192-5Г маркали 24 урчуқли ип йигириш машинасининг оғирлиги салкам 20 тонна, янги РСК-Ш машинаси оригинал иш органи билан жиҳозланган.

Эски машинадаги урчуқ ва машинанинг ипини пишитадиган қисмининг ҳаммаси металлдан ишланарди. Тўқимачилик машиналари махсус конструкторлик бюроси конструкторлари эса мана шу қисмлардан воз кечиб, унинг ўрнига аэродинамик буровчи қурилма ишладилар. Бунда камералардаги айланма ҳаво оқими ипларни турли томонга буради. Улар бир-бирига туташганда эса чирмашиб кетади. Энди стренгни — толалар бирлашмасини бураш ва уларни ўраш усули алоҳида-алоҳида бажариляпти. Ҳозирги машиналарда бу процесслар бирга бажарилгани учун урчуққа фақат маълум диаметрдаги ип ўраш мумкин. Бу жараён илгарилари иш процессини қийинлаштирарди, маҳсулот сифати, иш унумдорлигига таъсир қиларди. Янги машинанинг бир йиллик иқтисодий самараси 39 минг сўмликни ташкил этади. Монтажчиларга манзур бўлгани шу бўлдики, машина бир-бирининг ўрнини боса оладиган бўлимлардан тузилган. Шу боисдан ҳам уни ўрнатишга бир-икки кун кифоя қилади.

РСК-Ш машинасининг яна бир қатор афзалликлари бор. Бу ҳақда бизга ана шу машина устида иш олиб бораётган Тошкент тўқимачилик институти аспиранти Бахтиёр Салоҳиддинов сўзлаб берди.

— 1984 йилдан бошлаб шу машинани маълум гуруҳини ишлаб чиқаришга рухсат беришди, — деди у. — Ҳозирги пайтда Курск трикотаж фабрикасида шу машиналарнинг бир нечтаси ишга туширилди. Ҳозир ишлаб турган рогулкали машиналар жуда юқори шовқинга эга. Яъни ишчига зарарли ҳисобланади. Янги маркали машинада эса шовқин анча пасайтирилган.

— Бунинг қандай қилиб олди олинган?

— Ҳа, шовқин кам. Бураш билан ўраш процесси бир-биридан алоҳида қилиб ажратилган. Бураш процессини аэродинамик буровчи мослама амалга оширади. Аэродинамик мослама эса ҳаво билан ишлайди. Катта шовқинга сабабчи ҳаракат узатувчи механизмлар — жуда кучли ғилдираклар олиб ташланган.

Янги машинада ишлаётган ишчининг ишини операторнинг ишига ўхшатиш мумкин. Тазга жойлашган ленталарни жунни аэродинамик буровчи мослама орқали ўтказиб, бошида чиққан бир метр маҳсулотни катушкага олиб бориб ўраб қўйилса бас, у ёғига машинанинг ўзи ўраб кетаверади. Ишчининг вазифаси — назорат қилиб туришдан иборат. Бу машинани манипуляторлар билан тўла жиҳозлаш мумкин.

Ишлаш жараёнида жуда кўп пухлар ажралиб чиқади. Бу машинанинг айланадиган, ёғланадиган жойларига ёпишиб, уларнинг ишлаш процессини қийинлаштириши мумкин. Шунинг учун янги агрегатда пухларни ҳаво билан тозалаш системаси қўлланилган.

Авваллари машинанинг битта ипи узилса, йигирувчи бутун машинани тўхтатиб, ипни улашга вақт кетказар эди. Ҳозир бунинг ҳам олди олинди.

Янги машинанинг иш унумдорлиги эски машинага қараганда бир неча баравар ортиқ. Олдинги машинада бир минутда 40—60 метр ип чиқарилса, янги машинада 150 метр маҳсулот тайёрланади. Яна шуни айтиш керакки, йиғилиш камералари бир-бирига алоқасиз ишлай олади. Алоқасиз ишлай олади, деганимиз ип узиладиган бўлса, фақат ўша бўлим тўхтайди, деган гап. Демак, ип узиладиган жойда автоматизация системаси қўлланилган. Ип узилган пайтда машина йигирувчини сигнал орқали ўзи чақира олади. Ишкал пайтда машинанинг бош томонида ўрнатилган лампочка ёниб туради.

— Бу машина фақат жунни йигиришга мослаштирилган. Пахтани йигирадиган машина яратиш устида ҳам изланиш олиб бориляптими?

— Бизда ҳозир «Таштекстильмаш» заводи лабораторияси ходимлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти лабораторияси билан ҳамкорликда пахта учун мослашган ровничний, яъни ўз-ўзини ўраш принципига асосланган машина устида иш олиб боришяпти. Пахта толалари анча калта бўлгани учун бураш мосламаларига пахтани йигириб беришнинг имкони бўлмаяпти. Маҳсулотнинг сифати талабга жавоб бермаяпти. Шунинг учун ҳозирги пайтда машинани пахтага мослашимиз керак.

Кун тартибида янги РСК-Ш машинасини автоматизациялаш, уни автосъемшчиклар, манипуляторлар билан жиҳозлаш ишлари турипти. Натижада иш унумдорлигини олдинги эски машинага нисбатан ўн баравар ошириш имкони бор.

...Биз янги РСК-Ш машинасини ихтиро этишга муносиб ҳисса қўшаётган Юрий Мирошниченко, Владимир Шекотов, Тамара Мухидова, Аркадий Соркин ва Бахтиёр Салоҳиддинов каби конструкторларга барча синовларда муваффақиятлар тилаймиз.

**Суҳбатни жамоатчи мухбиримиз О. ИСРОИЛОВА ёзиб олди.**

*ОЛИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ*

# ЕР ХАЗИНАСИ БЕҲИСОБ ЭМАС

ТАБИАТДА биронта бор нарса алоҳида бўлмаган ва бир-биридан ажралган ҳолда ўз борлигини намоён эта олмаган. У доимо бошқа бир нарса билан боғлиқ бўлиб, унга таъсир кўрсатган, натижада гологик асрлар (4,7 миллиард йил) давомида пайдо бўлган мувозанат ҳамон давом этмоқда. Шунинг учун ҳам табиат элементларининг бирига етказилган зарар шу ондаёқ иккинчисида акс садо беради. Сайёрамиз — она ер таркибини мукаммал ўрганишга интилишимиз мазмуни ҳам шунда. Шу боисдан ҳам илмий-техника прогрессининг табиат ва унинг ҳар хил ресурслари тадқиқотига бўлган эҳтиёжи йил сайин эмас, балки кун сайин ошиб бормоқда. Таҳлилларда, баҳсларда илмий изланишларнинг фойдали томони олинмоқда. Ҳаётга номувофиқларига эса ўрин берилмаётир.

Инсон органик ва ноорганик дунёга нисбатан билимдонлик билан муомалада бўлиши керак. Зероки табиатга бўлган муҳаббат ва ҳурмат, аслида одамларга хос бўлган ижобий хислатлар ва интилишлардан келиб чиқади.

Жиловлаб бўлмайдиган даражада ўсиб бораётган цивилизация тазйиқи остида табиатнинг бир хил халқалари тез-тез узилиб қолмоқда ва ҳозирги кунда бу узилиш ва ўзгаришлар оқибатининг нима бўлишини сарҳисоб қилишга баъзан ожизлик қилмоқдамиз. Ана шундай табиий факторлардан бири ер бағридан қазиб олинаётган турли-туман фойдали қазилмаларга бўлган муносабатлардир.

Ҳисоблашларга кўра 1968 йилда она сайёрамиздан киши бошига 20 тоннадан турли минерал ва тоғ жинслари қазиб олинган бўлса, ҳозирда бу рақам 21 тоннага етди. Ачинарлиси шундаки, бу қазиб олинган тоғ жинси ва минералларнинг 2 процентигина халқ хўжалигига фойда келтириб, қолган — 98 проценти чиқинди сифатида ташланмоқда. Ўз-ўзидан равшанки жойидан қўзғолган бунча кўп тоғ жинсларини табиат ўз ҳолига қайтара олмайди. Улар қазиб олинган ерларда мувозанат бир оз бўлсада бузилади, бундан ташқари бошқа чигалликлар ҳам рўй беради. Хусусан, ер юзаси қиёфаси бузилади, ҳосилдор майдонлар кон чиқиндилари билан қопланади ва карьерлар очилади, бинобарин ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига путур етади, шахталар қазилади ва турли-туман ўпирилишлар содир бўлади. Гоҳо кўллар суви қуритилиб, гоҳо янгилари пайдо бўлади, денгизлар чекинтирилади ва ер ости сув режими бузилади.

Конларни ўзлаштириш давомида улардан ажралиб чиқадиган зарарли газларни ҳавога учмаслигининг тегишли чораларини олдиндан кўриб қўйиш ҳам шарт. Умуман, фойдали қазилмаларни ер бағридан чиқариб олиш вақтинча бир муҳлат. Чунки улар битмас-туганмас нарса эмас-ку, ахир. Шунинг учун ҳар бир конни лойиҳалаш вақтида «кон умри» тамом бўлгандан кейин қилинадиган — ерларни текислаш, рекультивация қилиш, шахталардан фойдаланиш тадорикларини ҳам аниқ белгилаш лозим бўлади. Бу ўринда конлардан қазиб олинаётган асосий маъданлар қатори йўл-йўлакай учрайдиган элементларни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш ва «камбағал» қатламларни ҳам ишга солиш катта аҳамият касб этишини унутмаслик керак. Бунинг устига маъдан бўлаклари (металлолом)ни йиғиш ва уларни қайта ишлашни йўлга қўйилса нур устига нур бўларди. Улар ўз навбатида кон умрини узайтиради ва янгиларини излаб топишга сарф қилинадиган харажатларни камайтиради.

Бу чораларнинг мажмуаси илмий техника прогресси даврида фойдали қазилмаларни топиш, разведка қилиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланишни қисқартириш керак, деган сўз эмас, албатта. Лекин ер бағридан олинаётган фойдали қазилмаларнинг бор запаслари тўла-тўкис ўрганилиши ва тамом бўлгунча қазиб олиниши керак. Аммо бу ишлар табиатни муҳофаза қилиш билан бирга олиб борилиши лозим.

Фойдали қазилмалардан рационал ва улардан табиатга зарар етмайдиган ҳолатда фойдаланиш йўлида кейинги даврларда айрим дадил фикрлар пайдо бўлмоқда. Шулардан бири яқин келгусидан бошлаб кўмир ва нефтдан ёқилғи сифатида эмас, балки фақат кимё саноатининг хом ашёси сифатида фойдаланиш маъқул кўрилмоқда. Шунга ўхшаш яна бир фикрга кўра маъданлар, айниқса рангли маъданларни турли синтетик материаллар билан алмаштиришни тараққий эттириш кераклиги таъкидланмоқда. Бу — алмаштирилган маъданлар кон умрини узайтириб, уларнинг запасларини тежашга ёрдам кўрсатади. Бинобарин, СССРда бу соҳада кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Д. И. Менделеев элементлар даврий системасидаги 74 рангдор маъданларнинг 35 таси, олтингугурт кислотасининг учдан бир қисмидан кўпроғи, ишлаб чиқарилаётган барит ва пирит концентратлари ва бошқа маҳсулотларнинг 80 процентдан ортиқроғи фойдали қазилмалардан комплекс ва максимал фойдаланиш натижасида оз харажат билан олинмоқда.

**М. ЗОКИРОВ,**
**Геология ва минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.**

• ҚАЙТА ҚУРИШ ҚИРРАЛАРИ •

# САБОҚ ВА ЯКУН

## ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ КОЛХОЗ РАИСИ ҲАМИД АКРАМОВ БИЛАН СУҲБАТ

**Чиноз райони пахтакорлари қайта қуриш, жадаллаштириш йўлидан бориб, катта муваффақиятларга эришдилар. Хўжаликларнинг янги сайланган раҳбарлари янгича иш бошладилар.**

**Қолоқлар қаторига тушиб қолган Киров номли колхозда ҳам бу йил аҳвол кескин ўзгарди, илгариги шуҳратни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар ижобий самаралар берди.**

**Штатсиз мухбиримиз Э. Қосимов колхоз раиси Ҳамид АКРАМОВ билан суҳбатлашди. У қолоқликдан қандай қутилаётганликлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.**

Киров номли ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг ерлари, — деди раис, — бир-бирига туташ, бир ариқдан сув ичади. Лекин, фарқ ер билан осмонча бор. Мусобақадош бўлганлигимиз учун ҳам илгари бу ерга тез-тез келиб турардим. 1984 йилги ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам қатнашганман. Ўшанда йиғилишда бригадаларда тилга олгулик ютуқлар йўқлигини кўпчилик афсус билан айтган эди. Давлатга 170 тонна пахта кам сотилган, даромад кескин камайиб кетганди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова яшаган, меҳнат қилган хўжаликнинг шу қадар кучсизланиб қолганлиги ҳаммани ажаблантирарди.

Буни қарангки, келгуси йили шу колхозга мени раис қилиб сайлашди.

Ишончни оқлаш керак. Бунинг учун қолоқлик сабабларини обдон ўрганишга жазм қилдим ва шундай хулосага келдим: муваффақиятсизликлар, моддий манфаатдорликнинг йўқлиги одамларнинг руҳини тушириб юборган, кўпчилик, шу жумладан, мутахассислар, тажрибали пахтакорлар бошқа хўжаликларга ўтиб кетишган эди.

Биз ишни уларни қайтариб олиб келишдан бошладик. Қўшни «Москва» колхозида ишлаётган собиқ бош инженер Ёрулла Раҳматуллаев бир группа механизаторлар билан колхозга қайтиб келди. Бир пайтлар уста пахтакорлиги билан ном қозонган Перне Абдураимовга яна бригада раҳбарлиги вазифасини топширдик.

«Кенг меҳнаткашлар оммасини танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия XXVII съездига қилинган Сиёсий докладида, — уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қизиқтириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуриш — тараққиётимизни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидир».

Хўжалигимизда ҳам кадрлар, колхозчиларнинг психологиясини қайта қуришга, улар билан ҳар куни, ҳар соатда тушунтириш ишлари олиб боришга тўғри келяпти. Чунки, бу ерда узоқ йиллар давом этган эскича кайфиятлар, бригадалар ўртасида яққол сезилиб турган тенгсизликни кўриб кўрмасликка олиш сингари иллатлар одамларга нохуш ҳолат туғдирган эди. Планлаштиришдаги хатолар кимларнидир юқорига кўтариб, кимларнидир танқид тиғига дучор қилганлиги сир эмас. Бир мисол келтирмоқчиман: 5-бригада унумдор, қулай ер майдонига эга. Лекин, ана шу бригада зиммасига юклатилган топшириқнинг бир қисмини майдонининг 50 процентини тошлоқ, унумсиз ерлар ташкил этадиган 12-бригада коллективи бажариб келган эди. Буни талаб қилишарди ҳам. Бир неча йил давом этган бу тенгсизликнинг сабабини ҳеч ким ўрганмади, қизиқмади. Пировардида плани имконият даражасида бўлмаган бундай коллективларнинг раҳбарлари қолоқликка кўникиб қолишган эди.

Биз ўтган йилдан бошлаб барча бригадаларнинг ер шароитлари, имконият, резервларини ҳисобга олиб, сўнг план белгиладик.

Хўжаликдаги олтита бригаданинг етакчиси ўзгартирилди. Турсуной Охунова шогирди механизатор Замира Абдуваҳобова, Набижон Бектуров, Бегмат Тилланазаров каби фаолларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашди. Замира колхоз механизаторлари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилди.

150 гектар ернинг шўрини ювиб, мелиоратив ҳолатини яхшиладик. Зовурларни текислаш ҳисобига майдонларни кенгайтирдик. Баҳорда 740 гектар ерга «С—4880» навли чигит уруғи экилди, ягана, чеканка каби агротехник тадбирлар қисқа муддатларда бажарилди. Ҳосил мўл бўлди.

Колхозда ер ости сувлари яқин. Бу эса далага кўплаб маҳаллий ва нормадаги минерал ўғит солишни тақозо этади. Шуни ҳисобга олиб, барча майдонларни тенг миқдорда озиқлантирдик.

План ва мажбуриятимизни ҳам бажардик. Давлатга 2430 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳар гектар ердан 31,5 ўрнига 33,6 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга пландан ташқари 100 тонна ошиқча пахта етказиб бердик. Колхозимиз пахтачиликнинг ўзидан ўтган йилга қараганда 182 минг сўм ошиқча даромад қилди. Сутдан бошқа барча соҳаларда план-топшириқлари адо этилди.

Очиқ тан олиш керак, ҳали биз қайта қурилишларга тўлиқ мослашганимиз йўқ. Пахтачиликни механизациялаштиришда, хусусан дефолиация ўтказишда хатоларга йўл қўйдик. Натижада етиштирилган ҳосилнинг атиги 64 процентигина машиналарда териб олинди.

Комплекс механизациялаштиришда илгари намуна бўлиб келган хўжалик учун бу кўрсаткич, албатта, ярашмайди. Шунинг учун хатолардан тегишли сабоқ чиқариб, зарур тадбирлар белгиламоқдамиз. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган техника воситаларини бир ерга тўплаяпмиз. Машина-трактор парки бутунлай қайта реконструкциядан чиқарилмоқда. Янги токарлик станогини ўрнатиб, ишга туширдик. Натижада машина-механизмларнинг зарур айрим эҳтиёт қисмларини ўзимизда тайёрлаш имкониятига эга бўлдик.

Колхознинг эски сут-товар фермаси қайтадан замонавий типда қурилмоқда. Бу ердаги барча ишлар механизация зиммасига юклатилди. Моллар зотини яхшилаш мақсадида «Чиноз» совхоз-техникумидан 100 бош ғунажин сотиб олдик. Чорвадорларга қулай шароитлар яратиб берилди, ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ишнинг муваффақиятини конкрет инсон олдига, конкрет коллектив олдига конкрет вазифаларни қўйиш йўли билангина таъминлаш мумкин. Бу соҳада амалга ошириладиган ишларимиз талайгина. Қолоқ колхознинг илғорлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлаш учун барча зарур тадбирларни кўрамиз.

## МЕТАЛЛ ЎРНИГА ПЛАСТМАССА

БЕРУНИЙ номидаги Тошкент политехника институти олимлари ва мутахассислари пахта териш машиналари барабанларидаги металл шпинделларни пластмассадан тайёрланган ана шундай деталь билан алмаштирдилар. Натижада барабан оғирлиги камайди, терим сифатини яхшилаш имконияти яратилди. Чигитнинг зарарланиши эса икки марта қисқарди. Бундан ташқари пластмассадан ишланган шпинделлар металлдан тайёрланганига қараганда анча арзонга тушаркан. Уни янгиси билан алмаштириш ёки ремонт қилиш ҳам қулай.

**Ю. РОМАНОВ.**



*

**⊙ МАРКАЗИЙ пахта тозалаш саноати илмий-тадқиқот институтининг тажриба пахта тозалаш заводида хом ашёни қабул қиладиган янги қабул-транспорт қурилмасини синовдан ўтказиш туғалланди. Бу янгилик қўл меҳнатидан тўлиқ халос этади. Қабул бункерига тўкилган хом ашё тўппа-тўғри қайта ишлаш цехига ўтади. Унга 25 тонна пахта сиғади ва у бир йўла 8 та тележкага хизмат кўрсата олади. Суратда: янги қабул-транспорт қурилмаси ишламоқда.**

**С. Величкин** фотоси.

**(ЎзТАГ).**

*

# Халқ ҳофизлари

# МУСИҚА САНЪАТИ ТАРҒИБОТЧИСИ

ТОШКЕНТнинг эски шаҳаридаги «Гулбозор» маҳалласи санъат шинавандаларига яхши маълум. Бу ерда истиқомат қилган ва ижод гулшанини ўз иқтидори билан безаган ажойиб халқ санъаткорлари — Тўйчи Ҳофиз, Шожалил Шоумаров, биринчи ўзбек театр рассоми Шоназир Шораҳимов, элнинг севимли хонандалари Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар ҳам мана шу маҳаллада камолга етганлар, наинки ўлкамизда, балки мамлакатимизда, ҳатто хорижий юртларда ҳам ўз санъатлари билан довруғ таратганлар.

Машҳур халқ созандаси, истеъдодли ҳофиз, бастакор, наққош ва музикали театримизнинг таниқли намояндаси Шораҳим Шоумаров ҳам «Гулбозор» маҳалласида дунёга келди ва умрининг охиригача шу ерда истиқомат қилиб, ижод этди. Шораҳим Шоумаровнинг таржимаи ҳолига назар ташласак, унинг ҳаёти ва ижтимоий аҳволи инқилобдан аввал ўлкада яшаб, ижод этган санъаткорларникига жуда ўхшаб кетишини, турмуш уринишлари ҳам ниҳоятда ҳамоҳанглигини кўрамиз.

Шораҳим Шоумаров 1876 йилда оддий бир дурадгор оиласида туғилди. Унинг отаси Шоумар ўзининг усталорлик санъати билан Тошкентдагина эмас, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Наманганда ҳам яхши маълум эди. Унинг наққошлик ишлари мана шу шаҳарлардаги кўпгина салобатли бинолар жамолини безаб турарди. Шораҳим болалик чоғлариданоқ отаси ёнида юриб, наққошлик ҳунарини эгаллади ва ота-ўғил устозу шогирд бўлиб Туркистон ўлкасидаги қатор шаҳарларда бинокорлик ва наққошлик ишларини бажардилар. Мана шундай сафарлар чоғида у, айниқса, Фарғона воҳасидаги халқ санъаткорлари иштирокида ўтадиган мусиқа базмларида, аския кечаларида тез-тез бўлиб, хассос созандалар, халқ ҳофизлари ва бастакорларига ҳавас билан қаради.

Унинг санъатга бўлган меҳри камол топишида машҳур санъаткор Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов катта роль ўйнади. Ҳофиз Шораҳимга ўзбек халқ куйлари, ашулалари ва мақом йўлларини ўргатди. Кейинчалик эса Шораҳим Тўйчи ҳофиз ташкил этган санъаткорларга қўшилди ва Шобарот, Шожалил каби созанда-ю хонандалар билан бирга ўз иқтидорини санъат ихлосмандлари орасида намойиш эта бошлади. «Гиря I, II», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Тошкент ироқи» каби асарлар унинг ижросида элга жуда манзур бўлди.

Шораҳим Шоумаровга Фарғона, Тошкент мақом йўлларини ўзлаштиришда Тўйчи Тошмуҳамедов билан бирга машҳур халқ ҳофизлари ва созандалари Абдуқаҳҳор, Мадумар, Мирзақосим ҳофизлар, Ёдгорхўжа танбурчилар катта таъсир кўрсатдилар. Шораҳим Шоумаров ижросидаги ашулаларда, танбурда чертган куйларида захматкаш халқнинг асрий орзу-ниятларига ҳамоҳанг бўлиб, уларда юксак инсоний фазилатлар, ҳақиқий муҳаббат, кишиларга садоқат, ҳалоллик улуғланарди, жаҳолат, тошмеҳрлик, адолатсизлик қораланарди, табиат гўзаллиги, маҳбубларнинг орази куйланарди.

Эркин ҳаёт келишини зориқиб кутган заҳматкаш эл қатори тараққийпарвар халқ санъаткорлари, шу жумладан, Шораҳим Шоумаров ҳам буюк Октябрь инқилобини зўр қувонч билан кутиб олди. Энди унинг ва ўзига ўхшаш халқ санъаткорларининг хуррам ҳаёт кечириши, эркин ва самарали ижод қилишига нурли йўл очилди. Шораҳим ўз маслакдошлари сингари янги турмуш ва янгича маданият бағрига отилди, у дастлабкилар қаторида Тошкентда ташкил этилган «Санои нафиса» уюшмасига аъзо бўлиб кирди ва 1918 йилда Тошкент халқ консерваториясини ташкил этишда фаол қатнашди. Ушбу мусиқа дорилфунунида хонандалик ва созандалик санъатидан дарс берди.

Ўзбекистонда мусиқа маданиятини ривожлантиришда ҳамда санъат мутахассисларини тарбиялаб етиштиришда, халқ ижодини кенг тарғиб этишда ушбу дорилфунуннинг хизмати бениҳоя каттадир. Мазкур халқ консерваториясида ажойиб устод санъаткорлардан Тўйчи Тошмуҳамедов, Ғулом Зафарий, Абдусоат дуторчи, Мирвоҳид танбурчи, композитор Успенский ҳамда Хамзин, Поликарповалар машғулотлар ўтказиб, дарслар бердилар. Дорилфунунни тамомлаб, етук маданият арбоблари сифатида танилганлар қаторида — профессор Илёс Акбаров, Ўзбекистон ССР халқ артисти Саиджон Каланов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Абдумутал Абдуллаев, Зокирхон Содиқов, Неъмат Дўстхўжаев, олим Субутой Долимов, таниқли шоир ва маданият арбоби Боту ва бошқалар бор эди. Улар Шораҳим Шоумаровдан ҳам сабоқ олдилар, устоднинг бой тажрибаси ҳамда мусиқанавислик истеъдодидан баҳраманд бўлдилар. Шораҳим Шоумаровни Ўзбекистон ССР халқ артисти, академик Юнус Ражабий, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли бастакор Фахриддин Содиқов, Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Имомжон Икромов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ризқи Ражабий, Пўлат Раҳимовлар ҳам ўзларининг устози деб билардилар.

Шораҳим Шоумаров ёш авлод ичидан ажойиб санъаткорлар етишиб чиқишига катта таъсир кўрсатди. Устоднинг бевосита иштироки ва таъсирида севимли халқ ҳофизлари Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, Ўзбекистонда биринчи театр рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби Шоназир Шораҳимов, режиссёр Шокарим Шораҳимов, шу кунларда Алишер Навоий номли Катта театрнинг бош рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Туйғун Шораҳимовлар санъатга қадам қўйдилар ва вояга етдилар, ўз иқтидорлари ва юксак санъатлари билан эл ҳурматини қозондилар.

Шораҳим Шоумаров Ўзбекистонда Октябрь инқилоби туфайли майдонга келган янгича шакл ва мазмундаги театр санъатининг ташкил топиши ва ривожланишида, айниқса, музикали драманинг камол топишида катта фаоллик кўрсатди. 20-йиллар бошида мана шу хайрли ишга асос солина бошланди. Бу жараёнда «Фарҳод ва Ширин» саҳна асарининг майдонга келиши ниҳоятда катта аҳамият касб этди. Мана шу даврга келиб атоқли ўзбек шоири ва драматурги Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршид А. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида саҳна асари яратди. Шораҳим Шоумаровнинг бевосита иштироки билан ушбу музикали драмага куй басталанди. Ўз навбатида бу ижодий изланишлар ўзбек саҳна навоийномасига асос солиш палласи эди.

Шораҳим Шоумаров Хуршид билан жуда катта ва мураккаб ижодий изланишлар олиб борди. Ушбу саҳна асарига ўзбек классик ва халқ куйларининг энг жонли ва ширалилари, дардли ҳамда сержилолилари, қалбларни тўлқинлантирадиганлари саралаб олинди.

«Фарҳод ва Ширин» музикали саҳна асари, гарчанд 20-йиллар бошидаёқ тайёр бўлган бўлса-да, бироқ уни саҳнага олиб чиқиш мумкин бўлмади, чунки у пайтларда хотин-қизлар ролини ижро этадиган ўзбек артисткалари етишиб чиқмаган эди. Асар 1922 йилда Тошкентдаги «Колизей» томоша биносида намойиш этилди ва муваффақият қозонди. Асардаги образларни Сайдимаъруф Каримов (Фарҳод), Саидазим Усмонов (Ширин), Умаржон Исмоилов (Моҳинбону), Вали Бурхонов (Ёсуман) каби ёш истеъдодли артистлар яратдилар.

«Фарҳод ва Ширин» шундан сўнг қатор театрларда қўйилди. 30-йилларга келиб у композитор В. А. Успенский томонидан нотага ёзиб олинди ва қайта ишланди. У 1930 йилда 1-Бутуниттифоқ театр олимпиадасида, 1937 йилда эса Хуршид ва Успенский вариантида Москвада ўтган Ўзбекистон санъати декадасида зўр муваффақият билан намойиш этилди. Асардаги бош ролларни Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев (Фарҳод), Ҳалима Носирова (Ширин), Қориёқубов (Хисрав), Лутфихоним Саримсоқова (Ёсуман) ва бошқа атоқли санъаткорлар ижро этиб, олқишларга сазовор бўлдилар. 1957 йилга келиб, бу асар асосида опера ҳам яратилди, унга муаллиф сифатида Г. Мушель ҳам қўшилди.

Шораҳим Шоумаровнинг «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима» каби музикали драмаларга куйлар танлаб, музика басталанишида ҳам хизматлари бениҳоя каттадир. Ш. Шоумаровни музика санъатимиз хазинабонларидан деб атасак, сира хато қилмаймиз. У халқ мусиқий меросининг чинакам билимдони ва жонкуяр ташвиқотчиси эди. 1924—1947 йиллар мобайнида Ш. Шоумаров Ўзбекистон ССР халқ артисти, фольклорчи-этнограф, профессор В. А. Успенский билан ҳамкорликда жуда катта ижодий ишни амалга оширди. Машҳур ҳофиз ижросида Фарғона — Тошкент мақом туркумлари («Дугоҳ Ҳусайни», «Чоргоҳ», «Баёт», «Шаҳноз — Гулёр») ёзиб олинди.

30—40-йилларда хассос санъаткор ўзбек халқ чолғу асбоблари — ғижжак, дутор, танбурларнинг жаранглаш хусусиятларини янада ривожлантириш борасида жиддий ижодий изланишлар олиб борди. Ўзи ҳам янги созлар яратиш йўлида самарали ишлар қилди. Бунга мисол сифатида ихтирочи созанда яратган «Октябрин» номли жарангдор ва нақшинкор созни кўрсатиб ўтиш мумкин. У ҳанузгача Москвадаги музика санъати музейида сақланади.

Шораҳим Шоумаровнинг мусиқа ва театр санъатимиз, ижрочилик маданиятимизни ривожлантиришдаги катта хизматлари юксак баҳоланди. 1944 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони берилди.

Атоқли ҳофиз, созанда, бастакор, театр санъати намояндаси, билимдон устод ва маданий меросимизнинг жонкуяр тарғиботчиси таваллудига бу йил 110 йил тўлди. Ш. Шоумаров 96 ёшида оламдан ўтди. Аммо унинг номи санъатсевар халқимиз қалбида мангу барҳаётдир.

**Б. НАСРИДДИНОВ,**
**театршунос.**

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

## СОВЕТ ПАВИЛЬОНИГА ОЛТИН ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 2 декабрь. (ТАСС). Халқаро савдо ярмаркаси ишида актив иштирок этганлиги ва ғоят ёрқин, сермазмун экспозицияси учун совет павильонига олтин диплом топширилди. Ярмарка ташкилотчиларининг фикрича, унда СССР ғоят муваффақиятли ва самарали иштирок этди. Ўн беш кун давомида Ҳиндистон савдо-саноат доираларининг кўплаб вакиллари, Ҳиндистон пойтахтининг ўн минглаб меҳмонлари ва аҳолиси 200 дан ортиқ совет саноат корхонасининг маҳсулоти билан танишди.

«Ҳиндистоннинг ишончли ва синалган дўсти бўлган СССР Ҳиндистон иқтисодий потенциалини қарор топтиришга бебаҳо ҳисса қўшди, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Ҳиндистон план комиссиясининг аъзоси Обид Ҳусайн. — Жадал иқтисодий ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларимиз савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо маҳсулотлари турларини кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадирлар. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали асосга қурилаётган Ҳинд—Совет ҳамкорлиги муттасил чуқурлашиб ва ривожланиб боришига аминман».

## СМОЛЯН ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

СОФИЯ, 2 декабрь. (ТАСС). Смолян шаҳрининг округ бадиий галереясига келаётган киши Совет Ўзбекистонининг ранго-ранг ва ўзига хос олами билан ошно бўлади. Бу ерда Ўрта Осиёдаги ана шу республика 20 рассоми тақдим этган 25 ранг тасвир полотносидан иборат кўргазма очилди. Кўргазма Смолян шаҳри меҳнаткашларини 18 миллион нафар халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, шодлик уфуриб турган тўй-томошалари, байрамлари билан таништирди.

Болгар—Совет дўстлиги умумхалқ комитети уюштирган бу кўргазмани округ меҳнаткашлари қизиқиб томоша қилмоқдалар.

## КХДР ҲАВО ЧЕГАРАСИ ЯНА БУЗИЛДИ

ПХЕНЬЯН, 2 декабрь. (ТАСС). ЦТАК ахборот агентлигининг хабарига кўра, 1 декабрь куни Американинг разведкачи самолёти республиканинг шарқий қирғоғидаги Косон шаҳридан сал нарида КХДРнинг территориал сувлари тепасида ҳаво чегарасига, шунингдек республиканинг ғарбий қирғоғи туташиб кетган денгиз устида ҳаво чегараларига бостириб кирган.

Ноябрь ойининг ўзидагина, деб таъкидлайди агентлик тўққизта ана шундай разведка мақсадидаги парвозлар қайд этилди. АҚШнинг узлуксиз давом этаётган ҳаводаги иғвогарликлари Пентагон Корея ярим оролининг жанубида ядро зарядларини элтишга қодир бўлган «Лэнс» оператив-тактик ракеталарни жойлаштириш ниятини очиқ ошкор этган бир пайтда содир бўлмоқда. Бу ҳатти-ҳаракатларнинг барчаси Америка империализмининг Кореядаги ҳарбий тайёргарлиги ниҳоятда хавфли босқичга кирганлигини кўрсатади, деб таъкидлайди ЦТАК агентлиги ўз хабарида.

## ПАП АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ВАРШАВА, 2 декабрь. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПХР хавфсизлик хизматининг ходимлари қўпорувчилик ишлари учун мўлжалланган катта туркумдаги полиграфия ва электрон асбоб-ускуналарини яширинча Польшага олиб кириш йўлидаги уринишнинг пайини қирқдилар. Польшанинг Свиноуйсьце шаҳридаги чегара пунктида ушланган ва Швеция граждани бошқарган юк автомобилида бир неча ўнлаб нусха кўпайтирувчи аппаратлар ва офсет ускуналари, минглаб матрицалар, компьютер босма машиналари, алоқа воситалари, шу жумладан, базавий радиостанция, бир неча минг нусха тақиқланган адабиёт топилди.

Хабарда айтилишича, мазкур иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

## ПОКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

ДЕҲЛИ, 2 декабрь. (ТАСС). Покистон иқтисодий танглик янада чуқурлашиш хавфи олдида турибди. Мамлакатнинг планлаштириш ва тараққиёт министри Маҳбубул Ҳақ миллий ассамблеяда сўзлаб буни бўйнига олди. ПТИ агентлигининг хабар беришича, Покистоннинг АҚШга ва бошқа Ғарб мамлакатларидан бўлган давлат қарзи кўпайиб, ҳозир астрономик даражага чиққанлиги натижасида экономикада оғир аҳвол вужудга келганлигини айтди. Ҳар йили Покистон хазинасининг олган қарзлар процентининг ўзига 40 миллиард рупийга яқин пул тўлаб туришига тўғри келмоқда.

## ЧИЛИ СИЁСИЙ МАҲБУСЛАРИ ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛДИЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 2 декабрь. (ТАСС). Чилидаги 500 нафардан кўпроқ сиёсий маҳбус очлик эълон қилди. Маҳбуслар диктаторлик режимининг оппозиция вакиллари катта бир группасидан яна қонли ўч олиш ниятида эканлигига қарши норозилик билдирмоқдалар. Яқинда ҳарбий трибунал уч кишини ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Қаршилик ҳаракатининг яна 16 курашчиси олий жазога ҳукм қилиниш хавфи остида турибди. Булар орасида диктаторга яқинда қилинган суиқасд қатнашчиларидан 9 киши бор.



**Японияда АҚШнинг қатор ҳарбий ҳаво базалари жойлашган. Бу базалардан ҳарбий самолётлар тинмай ҳавога кўтарилиб туради. Суратда: АҚШ ҳарбий самолёти Мисава шаҳри устида.**

ТАСС фотохроникаси.

## ФИЛОФОНИСТЛАР КЛУБИ

Жазда, рок-н-роллда қандай янгиликлар бор, «Металлистлар» кимлар, ҳозирги кунда қайси эстрада группаси кенг оммалашган? Ана шу ва бошқа саволларга филофонистлар — грамм-пластинкалар коллекционерлари клубидан жавоб топиш мумкин. Клуб Тошкентдаги тўқимачилар Маданият саройида ташкил этилган бўлиб, республикада шу турдаги биринчи ҳаваскорлик бирлашмасидир.

Клуб уставига кўра, пластинкаларни сотиш қатъиян ман этилади, уларни фақат алмаштириш мумкин. Асосий вазифа совет ва чет эл классиклари, замонавий музиканинг энг яхши намуналарини пропаганда қилишдан иборат. Клубда ўтказиладиган «Музикали жумаликларда» музикадаги янги оқимлар тўғрисида, совет ва чет эл эстрада коллективлари ҳамда солистларининг ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Клуб Тошкент музика уйи билан қалин ҳамкорликда ишламоқда. Мутахассисларнинг малакали маслаҳатлари ёшларга айрим хонандалар ва музика коллективларининг ижоди мазмунини тўла тушуниб етиш, ҳақиқий санъатини Ғарбнинг ясама музикаларидан ажратиб олишни ўрганиш имконини беради.

Клуб ёшлар дам олиш вақтларини ўтказиш учун оммавий жойга айланиб бормоқда — эндиликда унда 150 йигит ва қиз қатнашмоқда.

**(ЎзТАГ мухбири).**

